O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 14 август, шанба • № 65 (11.148) • Эркин нархда сотилади

СЕРМАЗМУН кунлар

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● 12 август куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Киоко Накаяма ишонч ёрлиғини топширди.

● Ўтган куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов раислигида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ,республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишлаб ўтказилаётган экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида навбатдаги «Саломатлик» поезди Тошкентдан Қорақалпоғистонга жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Республикаси миллий матбуот марказида «Ўзбекистоннинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги бугунги сиёсати» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ҳорижий давлатлар ваколатхоналари, диний ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар, маҳаллий ҳамда ҳорижлик журналистлар иштирок этдилар.

● Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида пойтахтимиздаги «Супер текстиль» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси 100 фоиз лойиҳа қувватига эришди. Энг замонавий андозаларга тўла жавоб бера оладиган калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона эндиликда режалаштирилганидек ойига 60 тонна эмас, балки икки баравар ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

● Кеча пойтахтдаги «Туркистон» саройида Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилиб, мамлакатимизда мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танловининг тўртинчи якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танлов натижасига кўра «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Фарғона бўлимининг хонандаси Шаҳло Рустамова ижро этган «Огоҳ бўлинг» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ижодий жамоаси, сурхондарёлик Манзура Қодирқулова, навоийлик Шерзод Остонов куйлаган қўшиқлари иккинчи ўринга, Муллатўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси, Ички ишлар вазирлиги вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳамроқулов, сирдарёлик Шерзод Одинаев ижро этган қўшиқлар учинчи ўринга сазовор бўлди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ШУ кунларда республика Олий Мажлиси депутатлари навбатдаги сессия олдидан ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар.

Куни кеча шундай мулоқот Паркент тумани ҳокимлигининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган 500дан кўпроқ кишилар олдида 163-Паркент сайлов округидан Олий Мажлис депутати Туроп Холтоев сўзга чиқди. У сайловлардан буён ўтган вақт мобайнида Олий Мажлис амалга оширган ишлар, Парламент томонидан қабул қилган қонун ва ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ҳаётимизни фаровон қилиш, жамиятни демократлаштириш борасидаги аҳамияти ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, у Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар тўғрисида тўхталди. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ЯНГИ ЗАМОН ОДАМЛАРИ

БУГУН Паркент туманида бўлган киши мустақилликнинг мевасини одамлар юзида, улар меҳнатида, кенг кўламли ислоҳотларда кўради.

— Бу бежиз эмас, — дейди «Заркент» ширкат хўжалиги соҳибкори Назокат Эшова, — истиқлол ҳар биримизга имконият берди, биз деҳқонларнинг оёқ-қўлини ечди. Етиштирилган ҳосилга ўзимиз хўжайинмиз. Астойдил ишлаган, тер тўккан борки, мўмай даромад эгаси бўляпти. Бунга биз ишлаётган жамоа меҳнати мисол. Ўтган йили боғларни совуқ уриб кетишига қарамасдан гектаридан 65 центнердан узум топширдик. Бу йил эса табиат яна инжиқлик қилганидан қатъий назар, 75 центнердан ҳосил етиштириш ниятидамиз.

1999 йил бошида Ҳисарак қишлоғида бунёд этилган шифокорлик пункти, «Зулхумор» фирмаси том маънода мустақиллик меволаридир. Шифо масканида қишлоқ аҳли энг замонавий тиббий муолажалардан саломатлигини тикламоқда. Фирма ўнлаб маҳаллий-хотин-қизларни ўз бағрига олди, иш билан таъминлади.

Суратларда: Ҳисарак қишлоқ шифокорлик пунктининг тажрибали ҳамшираси Дилафрўз Пўлатова; «Заркент» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдулла Шодиев соҳибкорлар Назокат Эшова (чапда) ва Ҳуршида Эрматовалар билан боғда; «Зулхумор» фирмасининг чеварлари.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

МАЪНАВИЯТ УСТУН БЎЛГАЙ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ саккиз йиллиги арафасида мамлакатимизда яна бир хайрли иш бошланди. Бу республика, вилоят, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенгашларининг таъсис этилаётганлиги. Аслида маънавият, маърифат масалалари республикамизда мустақилликка эришилган кунданоқ бир дақиқа, бир соат, бир кун бўлсин эътибордан четда қолмади. Шахсан Президентимизнинг ўзлари маънавий, маърифий ислоҳотларга раҳбарлик — раҳнамолик қилиб келмоқдалар.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ. Бунинг маъносини бир сўз ёки бир жумла билан ифодалаш қийин. Ватанга садоқат, қалбдаги иймон, эътиқод, дунёқараш, фикрлаш тушунчалари ҳам унинг бир бўлаги. Маънавиятли, маърифатли элгина бу тушунчаларни қалбига жо қилиб, бошланган буюк мақсадлар сари одимлайди. Ўз эркига, ўз фикрига, ўз тафаккурига эга бўлади. Саккиз йил ичида Ўзбекистон халқи эришган оламшумул ўзгаришларнинг, ютуқларнинг туб маъзи ҳам аслида шунда.

Маънавият, маърифат соҳасида шунчалик катта ўзгаришлар рўй берган экан, хўш, унда нега бу масалага яна қайта мурожаат қилинмоқда, деган савол туғилиши ҳам табиий.

Шу йил 12 август куни вилоят ҳокимлигида Маънавият ва маърифат Республика кенгаши Тошкент вилояти бўлимининг таъсис конференциясида ана шу савол ва масалаларга яна бир бор батафсил жавоб берилди.

Йиғилишни бошқарган вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов уни очар экан, маънавият, маърифат масалалари республикамизда ҳамиша устун бўлиб келган, бугун воқеалар шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятда уларнинг роли ва аҳамияти яна ҳам ортиб бормоқда, деди. Бунга шу йил 16 февралда пойтахтимизда рўй берган воқеалар яққол мисол бўла олади. У кўзимизни очди, деяпмиз. Аслида бундай нохушликлар, халқ ичига ғаламислик билан кириб олиб, ўзининг қора ниятларини амалга оширишга уринган кучлар яқин ўтмишимизда ҳам бўлган эди. Биз нега уларни шунчалик тез унутиб қўйдик?! Ваҳоланки, тарихни унутиб бўлмайди. Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарихга айланаётган экан, ундан хулоса чиқаришимиз, эртанги куннинг режаларини белгилаб олишимиз керак. Буни юксак маънавиятли, маърифатли халқ билан амалга ошириш мумкин.

Йиғилишда сўзга чиққан республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Азамат Зиё миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига кенг тўхталди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Амир Темурдан кейинги давлатларнинг таназзулга юз тутиши айнан миллий ғоя, миллий мафкурага эга бўлинмаганлиги оқибатидир. Бу сўзларнинг замирида жуда чуқур маъно бор. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз истиқлолнинг биринчи куниданоқ миллий ғоя, миллий мафкура тушунчасини олға сурдилар. Бошланган ҳар бир ишда маъно ва изчиллик бўлиши керак. Бу шуни англатадики, Республикамизда рўй бераётган воқеалар, буюк ўзгаришларни одамларга етказайлик, халқнинг ичига кирайлик. Афсуски, бугун ватандошларимиз ўз Ватанида бўлаётган воқеалардан бехабар қолмоқдалар, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаяптилар. Ана шунинг учун ҳам шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан жойларда Маънавият ва маърифат кенгашларини тузиш, шу тариқа маънавият соҳасидаги ишларимизни ривожлантириш, жонлантириш ғояси илгари сурилди. Бу кенгашларнинг зиммасига жуда катта масъулият ва вазифалар юкланмоқда. Бу кенгаш маънавият, маърифат билан шуғулланувчи давлат, жамоат ташкилотларининг ишини мувофиқлаштириши ва аниқ мақсадга йўналтириши зарур. Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор. Агар биргина Тошкент вилоятида бугунги кунда 30дан ортиқ давлат, жамоат ташкилотларининг бевосита маънавият, маърифат масалалари билан турли кўринишда шуғулланаётганини ҳисобга олсак, бу сўзларнинг моҳияти яна ҳам теранлашади.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат Аграр университетининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректори Иброҳим Ҳожимуродов, Республика ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Маҳмуд Тоиров, Бекобод шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддинов, Республика «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Зарифа Эшмирзаева, вилоят бош имом-ҳатиби Алишер Дўнгбоев ва бошқалар ҳам вилоятда маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, одамларни, айниқса, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, улуғ тарихимиз ва маънавий қадриятларимизни халққа етказиш, айни вақтда, ўзимиздан келажак авлодга озод ва обод Ватан барпо этиб қолдиришдек улуғ ва олижаноб мақсад йўлида эътиқод, иймон билан ишлашимиз зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда маънавият ва маърифат юқори бўлган мамлакатда ободончилик, юртга муҳаббат бўлади, деган сўз ишлатилди. Дарҳақиқат, бунга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу ўринда анжуманда Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманлари ҳокимлари, уларнинг муовинлари, бўлим ва бошқармалар бошлиқлари, энг нуфузли идораларнинг, ўқув муассасаларининг раҳбарлари иштирок этганлиги ва йиғилишнинг ўта ишчанлик вазиятида ўтганлиги, жойларда эндиликда бу борадаги кемтикларнинг тўлдирилишига, умуман, маънавият, маърифат масалаларининг янада устуворлик касб этишига ишонч уйғотади.

Анжуманда Маънавият ва маърифат Тошкент вилояти кенгаши таъсис конференциясининг қарори қабул қилинди.

Таъсис конференциясида Тошкент вилояти ҳокими **Уммат Мирзақулов** Республика Маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлимининг раиси этиб сайланди. Вилоят ҳокимининг муовини **Абдукарим Раҳимбердиев** вилоят кенгаши раисининг муовини, **Раҳматилла Шералиев** вилоят кенгашининг масъул котиби — Маънавият ва маърифат вилоят марказининг раиси этиб сайландилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Наржулла Жўраев иштирок этди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

● **ПАРКЕНТ. Истиқлол шодиёнасига бағишланган катта қўшиқ байрамида тумандаги барча бадиий ҳаваскорлар иштирок этдилар. Ҳисарак қишлоқ маданият уйининг «Орзу», Чанги қишлоқ маданият уйи болалар фольклор дасталари байрам ғолиблари деб эътироф этилдилар.**

● ЯНГИЙЎЛ. Тумандаги Усмон Юсупов номли «Халқобод» ишлаб чиқариш бирлашмаси боғларида айни пишиқчилик. Улардан ҳар куни 60-70 тонна ширин-шакар олма, нок, шафтоли ва дармондорига бой бошқа мевалар териб олиниб, консерва заводларига ва истеъмолчиларга жўнатиляпти.

● **Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кенг истеъмол маҳсулотларининг янги турларини тайёрлашни ўзлаштирмоқда. Яқинда бу ерда сирка кислотасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кичик ҳажмли шиша идишларга қуйилган янги маҳсулотнинг дастлабки туркуми «Ўзмевасабзавотхолдинг»га қарашли шароб заводларига юборилди.**

● ТОШКЕНТ «Телеком» очиқ акциядорлик жамияти вилоят қишлоқларини телефонлаштиришни жадал давом эттирмоқда. Куни кеча «Бордонкўл» кўрғонининг «Болта» бўлимида кичик ҳажмдаги АТС фойдаланишга топширилди.

● **АНГРЕН. Ўз хизмат фаолиятини тобора кенгайтириб, такомиллаштириб бораётган хусусий стоматология поликлиникаси қошида 100 ўринга мўлжалланган ошхона қурилиши ниҳоясига етди. У мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги тантаналари кунлари биринчи хўрандаларни қабул қилади.**

● ВИЛОЯТ ижтимоий таъминот бошқармаси тизими орқали ҳозирги пайтда хўжаликлар, корхоналар ҳомийликка олган минг нафар пенсионерга ўз пенсиясидан ташқари 1,6 миллион сўм миқдорида қўшимча маблағ тўланмоқда.

Бўка, Бўстонлик, Қибрай туманларида бошланган бу ташаббус вилоятнинг бошқа туманларида ҳам қанот ёзмоқда.

● **ВИЛОЯТ халқ таълими тизимига янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Хусусан, «Рейтинг» бўйича Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Қибрай туманларида, компьютерлаштириш борасида Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида, таълимнинг ноанъанавий усуллари йўналишида Олмалиқ шаҳри, Охангарон туманида тажриба синов майдончалари ташкил этилди.**

● ҚИБРАЙ тумани Янгиобод қишлоғидаги 450 ўринли янги касб-ҳунар коллежи қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Жаҳон андозалари талаблари даражасида жиҳозланадиган ушбу коллеж мажмуи таркибида 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли мажлислар зали, теннис корти, волейбол, футбол майдонлари ва муҳташам спорт зали мавжуд. Янги коллежни Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

«ТУРОН» ЗИЁСИ

Вилоятнинг «Турон» кутубхонасида китобхонларга хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйишга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, бу ерда замонавий технология асосида мавжуд адабиётларнинг электрон каталогини тузиш ниҳоясига етказиляпти.

Кутубхона жамоаси ўтган йили Американинг «Сорос» жамғармаси томонидан кутубхоналарни автоматлаштириш бўйича ўтказилган халқаро танловда ғолибликни қўлга киритганди. Шу туфайли «Турон» замонавий техника воситалари билан таъдирланди. Эътиборли томони шундаки, мазкур жиҳоз электрон почта мосламасига ҳам эга бўлиб, дунёнинг исталган нуқтасидан исталган ахборотни олиш ёки ахборот жўнатиш имконини беради. Айни вақтда кутубхона халқаро «Интернет» тизимига ҳам уланди.

ЎзА мухбири.

Республика Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси олдидан

ҚОНУНЛАР – ДЕМОКРАТИК САЙЛОВНИНГ АСОСИ

Яна бир неча кундан кейин Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси очилади. Сессия муҳокамасига мустақил Ватанимиз ва унинг заҳматкаш халқи ҳаётида муҳим ўрин тутадиган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар киритилган. Улар орасида «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Нажмиддин Комилов билан суҳбатимиз айни шу ҳужжатнинг аҳамияти, сайловларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида бўлди.

— Сайловлар ҳақиқатан ҳам халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа ҳисобланади. Чунки, айнан сайлов демократиянинг амалдаги ёрқин ифодаси, инсон ҳуқуқлари рўёбга чиқишининг ғоят муҳим омилидир. Конституцияга мувофиқ мамлакатимизнинг балоғатга етган ҳар бир фуқароси сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳар бир фуқаро ўзи ёки овоз берган вакиллари орқали давлатни бошқаришда иштирок этади, деган маънони англатади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши ва бунинг учун курашиши, айниқса сайловлар пайтида яққол намоён бўлади.

Демократик ҳуқуқий жамият қурилаётган мамлакатимизда сайловларнинг тенгҳуқуқлилик, ошкоралик ва адолат тамойилларига қатъий амал қилиш асосида ўтказилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бунда биринчи навбатда сайлов қонунчилигини назарда тутяпман, албатта, Зеро, бизнинг қонунларимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига тўла жавоб беради.

Бизда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» қонунлар қабул қилинган бўлиб, булар бугунги кунда амалда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг фаолияти, сайловчиларнинг ҳуқуқини кафолатлаш, референдум ўтказиш тўғрисида ҳам қонунларимиз мавжуд. Уларда бош қомусимиз — Конституциямиздаги фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ҳақидаги асосий тамойиллар ривожлантирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина мамлакатларда, жумладан, ҳамдўстлик давлатларининг талайгинасида сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳалигача йўқ. Уларда сайловлар фақат Президентнинг фармони ёки қарори билан ташкил этилмоқда. Булар ўз навбатида сайлов жараёнида кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларининг афзаллиги шундан иборатки, уларда халқимизнинг тарихий анъаналари, дунёқараши ўзига хос акс эттирилган. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бу қонунларда ўтиш даври хусусиятлари аниқ ва ишонарли тарзда ифодалаб берилган.

Учинчи жиҳат эса, жамиятимизда демократик тамойилларнинг қарор топиши баробарида сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ҳам янада такомиллашиб боришидир.

— **Нажмиддин ака, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасининг муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда. Шу хусусда ҳам бироз тўхталсангиз.**

— Бўлажак сессияда сиз айтган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кенг ва атроблича муҳокама этилади, деб ўйлайман. Мазкур лойиҳа бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилади, қимматли таклифлар киритилади. Хуллас, Олий Мажлиснинг яқинда очиладиган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонуларининг баъзи моддаларини ислоҳ қилиш мўлжалланмоқда. Бу эса мамлакатимизда сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишини ҳар томонлама таъминлашга ёрдам беради. Республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг сайловларда қизғин иштирок этишга бўлган имкониятлари яна ҳам кенгаяди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимизнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, фуқароларнинг алоҳида ташаббускор гуруҳлари ҳам келишиб, ўз номзодларини кўроатишлари мумкин. Бу ўзини ўзи бошқариш органларининг, жумладан маҳаллаларнинг, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва ролини янада оширади. Бу чинакам демократиянинг муҳим белгисидир. Зеро, бундай имконият фақат бизнинг қонунларимизда мавжуд.

Марказий сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги қонунларнинг республиканинг барча ҳудудларида амал қилишини назорат этиб, алоҳида ташаббускор гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ҳокимиятларнинг вакиллик органлари номзодлари учун тенг имкониятлар яратиш учун курашади. Аммо бу ишнинг самарадорлиги учун фуқароларимиз мавжуд қонунлардан яхши хабарор бўлишлари, уларни чуқур ва ҳар тарафлама билиши ва ўзларига берилган барча имкониятларни англаб етиши даркор. Бунинг учун жойларда аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилиши зарур. Марказий сайлов комиссияси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туркум семинарлар ўтказишни режалаштирган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фуқароларга сайлов тўғрисидаги қонунлар юзасидан тушунтириш ишларини мунтазам равишда давом эттириш максадга мувофиқ. Сайловнинг муваффақиятли ўтиши демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, фуқароларнинг ўз бурчларини тўғри англашлари ҳамда сиёсий етуклигига ҳам боғлиқ, албатта.

Суҳбатдош:
Турсунбой БОТИРБЕКОВ.
(ЎзА).

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

БОЗОРЛАРИМИЗ ШУКУҲИ

ЯҚИН орада Чиноз томонларга йўли тушмаган одам бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушиши табиий. Сирдарё бўйидаги мўъжазгина, аммо эл орасида анча машҳур бўлиб кетган «Балиқ бозор» ҳудуди таниб бўлмас даражада ўзгарган. Тошкент вилоятининг ўзига хос жануби-ғарбий дарвозаси вазифасини ўтайдиган бу масканда нафақат замонавий бозор, балки жаҳон андозалари даражасидаги қатор савдо ва маданий-маиший иншоотлар ҳам қад ростлаяптики, бундай бунёдкорлик ишларини кўриб қувонмай бўлмайди.

Биз мазкур бозор, унинг қурилиши ва аҳамияти ҳақида сўз юритишдан олдин, пойтахт вилоятида шу чоққача амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, бугунги кунда вилоятдаги барча шаҳар ва туман бозорларининг файзи ўзгача, улар тобора гавжумлашиб одамларнинг ҳожатини чиқарадиган масканга айланиб бормоқда.

Маълумки, бозор, айниқса шарқ бозорлари қадимдан юрт кўрки, тўкин-сочинлик, қолаверса, кўнгил ёзадиган жой саналиб келинган. Афсуски, тоталитар тузум даврида унинг азал-азалдан таркиб топиб келган ўзига хос қонун-қоидалари назарписанд қилинмай қўйилди. Фақат мустақиллик туфайлигина бозорларга бўлган муносабат ўзгарди, унинг фаолиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берила бошланди. Тошкент вилоятида ҳам ана шундай имкониятлардан дадил фойдаланилмоқда. «Вилоятбозорсавдо» уюшмаси раиси Абдували Мирсолиевнинг таъкидлашича, бу борадаги туб ўзгаришлар асосан кейинги уч йил мобайнида рўй берган. Шу давр мобайнида шаҳар ва туман бозорларининг барчаси деярли бутунлай қайта таъмирланди, янгилари қурилди.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир-икки мисол келтирайлик. Олмаликдаги «Ойдин» бозорида одамлар олди-сотти қилиши учун деярли ҳеч қандай шароит йўқ, деҳқонлар ёзда офтобда куйиб, қишда аёздан қалтираб савдо қилишга мажбур эди. Айни пайтда эса бу ерда ажойиб мажмуа барпо этилди. Замонавий услубда муҳташам автошохбекат қад кўтарди. Унинг икки ёнига иккита миллий услубдаги бозор қурилди ва фойдаланишга топшириди. Уларнинг бирида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилинса, иккинчисида тижорат буюмлари олди-соттисини амалга ошириш мумкин. Энг муҳими, сотувчи ва олувчилар учун бир қанча қулайликлар яратилди.

Бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани туфайли Янгрен бозорлари ҳам бугунги кунда латифлашиб, таърифи вилоят сарҳадларидан ташқарида ҳам машҳур бўлиб кетди. Зеро, шаҳарнинг деҳқон ва тижорат бозорлари илгарилари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларигина гавжум бўлса, ҳозирга келиб деярли ҳар куни савдо қизигандан қизийди.

Мустақиллик иншоотлари

Деҳқон бозоридаги илгариги аҳволни кўпчилик яхши эслайди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчилар учун деярли ҳеч қандай шароит йўқ, улар бегона кишидай бир четга суриб қўйилган эди. Улар бозорнинг бир бурчагидаги каталакдай жойда ўз маҳсулотларини сотар, айни пишиқчилик пайтида тор жойга сиғишмай ташқарига — йўл бўйига чиқиб кетарди. Айни пайтда бу ерда барча шароит биринчи навбатда бозорни ўз маҳсулоти билан тўлдираётган деҳқонга яратиб берилмоқда. Буюм сотувчилар учун эса барча қулайликларга эга бўлган 800 ўринли янги бозор қуриб фойдаланишга топширилди.

Эътиборли томони шундаки, бу ерга ташриф буюрган киши нафақат олди-сотти ишларини амалга ошириши, балки шунингдек, шинам чойхоналарда чой ичиб, хордиқ чиқариши, газета-журнал ўқиши, сартарошхонага бирров кириб пардоз-андоз қилишга ҳам улгуриши мумкин. Бозор ҳудудида қатор дорихона, тиш поликлиникаси, турли кўнгилочар масканлар ҳам ишлаб турибди. Хуллас, бу масканнинг бунгунги шукуҳи, таровати ўзгача. Зеро, тўкин-сочинлик, сероблгарлик шу қадарки, кўриб дилинг яйрайди. Бундай ижобий ўзгаришларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туман бозорларида ҳам кузатиш мумкин. Энг муҳими, бозорлар фаолиятини ривожлантириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини авж олдиришда маҳаллий ҳокимликлар ташаббус кўрсатмоқда. Чунки, бозори обод жойнинг халқи ҳам фаровон бўлади. Одамлар иш билан таъминланади, бюджетга ҳам мўмай даромад келиб тушади.

Вилоятда айни пайтда бозорлар фаолиятини бошқариш билан йигирмага яқин акциядорлик жамиятлари шуғулланмоқда. Давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилган бозорларнинг янги мулкдорлари ўз маблағларини бирлаштириб, қурилиш-ободонлаштириш ишларини бажарамоқда. Натижада кундалик тушум ҳам тобора кўпайиб бораётир.

Янги Чиноз бозори қурилишини ана шундай хайрли ишларнинг давоми дейиш мумкин. Юқорида айтганимиздек, вилоятнинг чегара ҳудудидаги деярли ташландиқ ҳолга келиб қолган масканни обод қилиш учун ўзига хос замонавий лойиҳа ишлаб чиқилди. Катта автомобиль магистралини жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш баробарида қисқа фурсатда замонавий супермаркет дўкони, ўзбек автомобили савдоси билан шуғулланувчи кўркам автосалон ва бошқа қатор савдо, маданий-маиший бинолар қад ростлади. Айни пайтда Янги Чиноз бозори қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, мазкур бозор лойиҳаси ҳам ўзига хос меъморий ечими билан бошқаларидан ажралиб туради. Бу ерда қишин-ёзин бемалол савдо қилиш учун 400 ўринга мўлжалланган асосий бинода сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бозорнинг икки ёнида эса қатор тижорат дўконлари қурилиши авжида. Қурувчиларнинг кечаю кундузи қўли-қўлига тегмайди. Уларни юртни обод этишдек улкан бунёдкорлик ишларига даҳлдорлик туйғуси ана шундай ғайрат-шижоатга даъват этаётгани сир эмас.

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланаётган мазкур иншоот ҳадемай нафақат чиноэликлар, балки пойтахтликлар ва унинг меҳмонлари учун ҳам ажойиб совға бўлиб қолиши шубҳасиз.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

15-август Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги куни

ИСТИКЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ

Дўст ҳинд халқи бу миллий байрамни катта шодиёна билан нишонлайди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра билан учрашиб суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбат билан танишасиз.

— Муҳтарам элчи жаноблари! Сизни ва Сиз орқали улуғ ҳинд халқини мустақиллик байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз.

Сизнинг республикамизда иш бошлаганингизга унча кўп вақт бўлмади. Аввало мустақил Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингизни сўзлаб берсангиз.

— Самимий табрикларингиз учун раҳмат. Халқимиз инглиз мустамлакачиларга қарши узоқ йиллар мардонавор курашиб мустақилликка эришган. Мана, ярим асрдан ортиқ давр мобайнида тараққиёт йўлидан дадил одимлаб боряпти. Мустақиллик — буюк неъмат. Озод ва эркин халқнинг парвозини дунёда ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Мустақиллик туфайли Ҳиндистон Республикаси Осиё қитъасидаги қудратли давлатлардан бирига айланди. Иқтисодий, ижтимоий, илмий-техника, маданий соҳадаги муваффақиятларимиз билан фахрланса арзийди. Ҳиндистон жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ва фахрли ўрин эгаллаган.

Сизларнинг гўзал ва бой тарихга эга бўлган мамлакатингизда иш бошлаганимга атиги етти ой вақт ўтган бўлсада, ўзимни бу заминда бир неча йилдан буён яшаётгандек ҳис қиламан. Биринчи кунларданоқ ўзбек ва ҳинд ижтимоий-маданий моделининг бир-бирига ғоятда яқин эканлигини туйдим. Бу менга нафақат ўзбек жамиятини тўғри тушуниб олишга, балки Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан кейинги муваффақиятларни теран англашга ва уни баҳолашга ёрдам берди.

Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шунингдек, ташқи алоқалар тармоғини кенгайтириш, халқаро ҳамжамият билан интеграция соҳасида ҳам жиддий силжишлар қўлга киритилган. Ўзбекистон мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлиги остида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни ўз мамлакати фуқароларининг фаровонлигини ошириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширмоқда. Умуман, менда Ўзбекистон гуркираб ўсаётган, ўзининг бой тарихи, маънавий қадриятларидан куч-қувват олаётган, келажаги буюк давлат сифатида ёрқин таассурот қолдирди.

— Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва уларнинг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги фуқаролик алоқалари даражасидаги муносабатлар муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Ҳиндистон ўзининг Ўзбекистон билан муносабатларига катта эътибор билан қарайди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларни қамраб олмоқда. Бу йўналишлар Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилларидаёқ олий даражадаги мулоқотлар туфайли эришилган давлатлараро ва хукуматлараро мустаҳкам ҳуқуқий муносабатларга асосланади. Икки давлат ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар мунтазам давом этиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йил май ойида Ҳиндистон ташқи ишлар Вазири Жасванта Сингх жаноби олийларининг Ўзбекистонга ташрифлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳудудий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик мамлакатларимиз манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ҳозирги даврдаги муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, савдо, иқтисодий алоқалардир. Бу борада қатта имкониятлар мавжуд. Ҳозиргача мамлакатингизда 7та ҳинд-ўзбек қўшма корхоналари бунёд этилди. Жумладан, дори-дармон ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар ишга туширилди. Савдо-сотиқ ҳам ўсиб бораяпти, бироқ унинг ҳажми ҳали юксак даражага кўтарилгани йўқ. Бугунгача Ўзбекистон Ҳиндистон томонидан ажратилган иккита кредитдан фойдаланди. Ҳиндистон икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонга умумий ҳажми 10 миллион долларлик учинчи кредитни таклиф этди. Ҳинд-ўзбек қўшма иқтисодий Комиссияси 4 учрашув ўтказди. Учрашувларнинг тўртинчиси шу йил март ойида бўлиб ўтди. Демоқчиманки, ҳинд ишбилармонлар доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш учун имкониятларга қизиқиш кўчайиб бормоқда.

— Ўзбек халқи ҳинд халқининг маданияти ва санъатига катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан қарайди, ҳинд кинофильмлари, «Маҳабҳорат», «Рамаяна» сингари телевизион сериаллари халқимиз ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди. Келгусида маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш борасида қандай тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда?

— Ҳинд маданияти ва санъатига бўлган қизиқиш, шунингдек, ҳинд фильмларининг бу ерда машҳур бўлиб кетганлиги икки томонлама муносабатларимизнинг пойдеворини белгиловчи мустаҳкам фуқаролик алоқаларининг ифодасидир. Ҳинд-ўзбек маданиятининг яқинлиги ва муштараклиги Ўзбекистонда «Маҳабҳорат» ва «Рамаяна» телевизион сериаллари томошабинларга манзур бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. Биз мамлакатларимиз ўртасида қарор топган маданий ҳамкорлик ва маданий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келгунча харакат қилаверамиз. Тошкентда ишлаб турган ҳинд маданият марказининг кўп қиррали фаолияти йилдан-йилга ўсиб, Ўзбекистоннинг интелектуал ва маданий ҳаётида сезиларли из қолдирмоқда. Жорий йилда марказ ўзбек рассомларининг бир неча кўргазмаларини ташкил этди. Турли семинарлар, учрашувлар, ўзбек ва ҳинд санъаткорларининг биргаликдаги концертларини ўтказди. Марказ Ҳиндистон дунёсига очилган ўзига хос ойна вазифасини ўтайди. Бу масканда йога бўйича машғулотлар, ҳинд миллий рақси, мусиқаси, пазандалиги бўйича қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Олимлар ва санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб туради. Маданият маркази халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва бойитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Икки томонлама маданий ҳамкорлик истиқболлидир. Ўзбекистонда эзгу ниятли дўстларимиз кўп. Биз бу билан ниҳоятда фахрланамиз. Бизнинг бугунги дўстона муносабатларимиз ҳудудимизда узоқ даврлардан буён давом этиб келаётган жараённинг узвий давомидир.

— Самимий суҳбатингиз учун сизга миннатдорчилик билдиришга ижозат этсангиз.

Суҳбатдош:
Мирза Анвар КАРИМОВ.

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ — ТАНЛОВ АСОСИДА

«Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорациясида автобуслар йўловчиларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун очик тендерлар — танловлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича семинар-кенгаш бўлди.

Семинар-кенгашни Бош вазир ўринбосари Л. Ахметов бошқарди.

Ўзбекистонда аҳолига автомобил транспорти билан хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек автотранспорт хизмати бозорида соғлом рақобатни ривожлантиришга ва такомиллаштиришга катта аҳамият берилаётгани таъкидланди. Сўнгги икки йилдан зиёдроқ вақт ичида республикамизда «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Автомобил транспорти тўғрисида» қонунлар, шу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Автомобил транспортида ҳар куни саккиз миллиондан кўпроқ йўловчи ташилади, шунинг деярли тўртдан бир қисми хусусий автотранспорт эгалари зиммасига тўғри келади. Республикамиз раҳбарияти автомобилда юк ташиш бозорининг барча иштирокчилари учун бир хил шароит яратишга, йўловчиларга хизмат кўрсатишни тўла йўлга қўйиш ва тегишли иқтисодий саралаб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли, жаҳон тажрибасидан фойдаланилиб, Ўзбекистондаги бир неча йирик ва бир қанча кичик шаҳарларни тажриба сифатида турли йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун тендер ўтказилди. Эндиликда бу тажрибани бутун республикага ёйиш кўзда тутилмоқда.

Бунга қандай эришиш мумкин? Семинар-кенгаш иштирокчилари бу саволга батафсил жавоб олдилар. Асосий шартлардан бири ҳаракат хавфсизлиги учун жавоб бериш, ҳайдовчиларнинг иш тажрибаси, транспорт воситаларининг техник ҳолатидир. Шаҳар атрофидаги, шаҳарлар оралиғидаги ва халқаро йўналишлардаги йўловчиларни ташиш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендерларда Ўзбекистон ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, солиқ органларида ҳисобда турадиган ва йўловчиларни ташиш ҳуқуқига лицензияси бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

(ЎзА).

ТЕНДЕРЛАР ҒОЛИБИ

БУ КОРХОНА ҳақида гап кетганда тендерлар ғолиби, деб кўшиб қўядиган бўлишди. Бунинг боиси бор, албатта. Корхона қандай тендерда қатнашмасин ғолиб чиқмоқда.

Немис тадбиркорлари билан ҳамкорликда барпо этилган ва «Тусбюро» деб аталувчи бу қўшма корхона ишлай бошлаганига бир йилдан сал ошди. Лекин, у шу қисқа муддат ичида ўз маҳсулотларининг сифатлилиги ва замонавий дизайни билан шуҳрат қозонди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли столлар, юмшоқ ва қаттиқ ўриндиқлар, шкафлар истеъмол бозорини тобора кенг эгалламоқда.

Ўз сафига бор-йўғи 44 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоа республика Олий ва махсус ўрта таълим, Ташқи ишлар вазирликлари ва қатор бошқа маҳкамалар уюштирган шундай тадбирларда ҳам буюртмалар ҳажмининг катта қисмини — ўртача етмиш фоизини бажаришни ўз зиммасига олишга эришди. Биргина Олий таълим вазирлиги 1000та стол харид қилиш истагини билдирган.

Ўтган йилнинг апрелидан ишлай бошлаган қўшма корхона жамоаси йил охиригача бозорга 136 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган эди. Бу йил эса 200 миллион сўмлик марра муваффақиятли эгалланмоқда. Шуниси диққатга сазовор, барча маҳсулотлар олдиндан қабул қилинган буюртмалар асосида тайёрланмоқда.

— Мебелчиларимиз муқаддас зиёратгоҳ Ал-Бухорий мажмуи буюртмаларини бажарганликлари билан чексиз фахрланадилар, — дейди қўшма корхона бош муҳандиси Александр Фесенко. — Қадамжонинг миллий меъморчиликнинг энг нафис йўналишлари асосида барпо этилган иморатлари учун махсус шкафлар, ўриндиқлар тайёрлаб бердик.

«Тусбюро» маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча хом ашёни ва бутловчи ашёларни, ҳозирча, хориждан келтирмоқда. Бу соҳада, асосан, Венгриянинг «Палько Шапрон» фирмаси билан ҳамкорлик қилиняпти. Буюртмаларнинг кўпайиши, бозор талабининг ортишини ҳисобга олиб, қўшма корхонани кенгайтириш ҳам назарда тутилмоқда. Яна битта ишлаб чиқариш биносини қуриш учун ер ажратилди.

Собир ҲАМИДОВ.

Умид Акромовнинг касби жуда нозик, Ғазалкентдаги тошга ишлов бериш комбинатида мармар плиталарга пардоз бериш билан шуғулланади. Унинг қўли билан жило берилган бундай қимматли қурилиш материаллари республикамиздаги кўпгина ҳашаматли биноларга кўрк бағишлаб турипти. Суратда: Умид Акромов иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Мутахассис сўз сўрайди

ФУҚАРОЛАР МУҲОФАЗАСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

ИНСОНИЯТНИНГ ҳаёт фаолиятида ва жамият тараққиётида фуқаро муҳофазаси тизимининг ўз ўрни ва аниқ вазифаси бор бўлганлиги сабабли унинг ўзига хос илмий йўналиши ва муаммолари, уларни ҳал қилиш усулларини аниқлаб олиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Фуқаро муҳофазаси йўналишида олиб бориладиган тадбирларнинг илмий асосланиши бу одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, фавқулоддa вазиятлар юз бериши хавфини камайтириш, оқибатларини енгиллаштириш ҳамда табиат ва жамиятга келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш кафолатидир.

Мамлакатимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилганига эндигина уч йил бўлишига қарамасдан унинг қошида Фуқаро муҳофазаси институти ташкил этилди. Институт Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлашда бош ўқув-услубий ва илмий-педагогик марказ ҳисобланади. Шу билан бирга унинг зиммасига фавқулодда вазиятлар илмий муаммоларини ҳал қилиш, фуқаро муҳофазаси борасидаги илмий йўналишни шакллантириш ҳам юклатилган. Бу борада институтда 4 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар. Қисқа вақт ичидаги изланишлар шуни тасдиқладики, республикамиз академик ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, қисман фуқаро муҳофазаси борасида илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу ташкилотлар ўз тармоқ йўналишларида фавқулодда вазиятларга олиб келувчи табиий, техноген ҳодиса ва жараёнларни ўрганиб, баҳолаш ва башорат қилиш борасида изланишлар ўтказадилар.

Ҳар бир соҳа ўз илмий-услубий таомилига эга бўлгани каби бизнинг ишимизнинг ҳам илмий йўналиши бўлиши керак. Уни қуйидагича белгилаш мумкин: «Бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни ва уларнинг хавфини баҳолаш, башорат қилиш ва олдини олиш, фавқулодда вазиятлардан кўриладиган зарарни камайтириш, оқибатларини тугатиш, аҳолини ва раҳбар ходимларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва ўқитиш усулларини ҳамда фуқаро муҳофазаси меъёрий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш». Кўриниб турибдики, бундай кўп қирралі йўналишда иш олиб бориш, бир қатор илмий муаммоларни ечиш, вазирликлар, тармоқлар ва ҳокимликларнинг биргаликда ҳаракат қилишини тақозо этади.

Республикамиз аҳолисини фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирлар ҳамда фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатларини бартараф этишдаги ҳуқуқ, бурч ва вазифаларини таъминлаш ва уларни такомиллаштириш учун энг аввало бу тизимнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослари бўйича республикамизнинг табиий, табиий-техник шароитларини ва миллий урф-одатларини эътиборга олувчи илмий йўналишни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, бугун фуқаро муҳофазасининг ижтимоий ва иқтисодий асосларини ташкиллаштиришнинг илмий асосларини яратиш мавзуси муҳим аҳамият касб этади. Бундан кўзланган мақсад кутилмаган ҳолатлар юз берганда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодий-молиявий таъминотларни илмий асослаб беришдан иборат.

Фуқаро муҳофазасида фавқулодда вазиятларни кузатиш ва башоратлаш муҳимдир. Бу борада Ўзбекистон олимлари эътиборга молик бир қанча илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Лекин бу ишлар назарий бўлиб, уларнинг амалий томонларини ривожлантириш талаб этилади. Энг аввало фавқулодда вазиятларни кузатиш ва башорат қилиш муаммоларини ечиш, ривожланган мамлакатлар тажрибаларига таянган ҳолда табиий офатлар ва технологик ҳалокатларни башоратлаш учун мониторинг яратиш талаб қилинади. Бунинг учун аввало тасодифий воқеалар содир бўлувчи хавфли иншоотлар мониторингининг илмий-услубий ва технологик асосларини яратиш ва уни тузиш концепциясини ишлаб чиқиш асосий масалалардан ҳисобланади. Бу муаммонинг ҳозирги кундаги мавжуд тармоқ (сейсмологик, гидрометеорологик, хавфли геологик жараёнлар ва бошқалар) мониторинг тизимлари асосида уларнинг етишмовчи қисмларини тўлдирган ҳолда ечиш мумкин. Бу тизим охир оқибатда, «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар автоматлаштирилган мониторинг давлат тизими» мақомини олиши керак.

Республикамиздаги барча табиий ва техноген хавфли объектларни ҳисобга олиш ва уларда доимий узлуксиз назорат олиб бориш учун «Фавқулодда вазиятлар содир этилиши мумкин бўлган иншоотлар кадастри»ни тузиш ҳам асосий ечимини кутаётган муаммолардан саналади. Бу муаммонинг ечими ўз навбатида Республикамиз ҳудудини аҳолига турли даражадаги туғилиши мумкин бўлган хавф ва авария, ҳалокат ва табиий офат юз берганда етиши мумкин бўлган зарар даражалари бўйича туманлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда харитасини тузишни талаб этади. Бу юмушнинг ечими республикада фуқаро муҳофазасининг автоматлаштирилган бошқарув тизимида ахборотларни кодлаштириш ва классификациялашнинг ягона тизимини ташкил этишни талаб этади.

Ўз ечимини кутаётган илмий муаммолардан яна бири «Фавқулодда вазиятлар келиб чиқиш хавфини баҳолаш, бошқариш ва етказилиши мумкин бўлган зарар ва йўқотишни камайтириш усуллари»ни мукаммал такомиллаштиришдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики фавқулодда вазиятлар, фуқаро муҳофазаси бўйича қўйилаётган илмий муаммолар кўп қирали. У табиий, инсонпарварлик, ижтимоий ва бошқа кўпгина илмий йўналишлар ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун бу борадаги илмий муаммоларни ҳал қилишда Республикамизнинг ҳамда дунёнинг ривожланган мамлакатлари илмий муассасалари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, мувофиқлаштириш йўл-йўриқларини излаб топиш шу кундаги асосий вазифаларимиздандир. Бундай вазифаларни бажришда Фуқаро муҳофазаси институти етакчи бўлиши кераклигини шароитнинг ўзи тақозо этиб турипти.

Иброҳим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мустамлакачилик даврида юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида қатағон курбонларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссияси тузилган эди.

Шу муносабат билан жамоатчилик комиссияси аъзоларининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг бу борадаги фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев олиб борди.

Мажлисда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди ва унинг Устави тасдиқланди. Жамғарма раҳбар органлари ва раёсат аъзолари сайланди. Жамғарма Раиси этиб адабиётшунос олим Н. Каримов сайланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● АҚШ давлат департаменти мамлакат фуқароларини Покистонга сафар қилмасликка чақирди. Диний айирмачиларнинг таҳдидлари АҚШ маъмуриятини шундай йўл тутишга мажбур этди. Хабарларга кўра, уларнинг яқин вақтлар ичида АҚШнинг Покистондаги ваколатхоналарига, шунингдек, АҚШ фуқароларига ҳужум уюштириши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар тобора кўплаб қўлга киритилмоқда.

● КОСОВО серблари ва маҳаллий лўлилар ўлкани тарк этишда давом этмоқда. Бу ҳақда БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги вакили Жудит Кумин айтди. Унинг сўзларига қараганда, Косовода тинчликпарвар кучлар жойлаштирилгандан сўнг бу ердан 130 мингга яқин одам кўчиб кетган.

● АҚШ маъмурияти «Ал-жамоа Ал-исломия» айирмачи ташкилоти асосчиси Умар Абдураҳмоннинг оила аъзоларига мамлакатга кириш визасини беришга рози бўлди. Бу шахс 1993 йил 26 февралда Нью-Йоркдаги жаҳон савдо марказида портлаш уюштиришда айбланиб, айни пайтда АҚШда умрбод қамоқ жазосини ўтамоқда.

● ЯҚИН вақтларда Исроил-Сурия тинчлик музокараларида силжиш бўлишига умид бор. Иордания расмийлари билан музокара олиб борган Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви шундай деди. Унинг айтишича, Исроил ва Сурия ўртасидаги Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича мулоқотлар АҚШ Давлат Котиби Мадлен Олбрайтнинг минтақага сафаридан олдин бошланиши зарур.

ОЧАРЧИЛИКНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

ТАРИХДА очарчилик, турли хавфли юқумли касалликлар ва қашшоқлик бутун-бутун халқларни яшаб турган жойини ташлаб ўзга юртларга йўл олишига мажбур қилганига мисоллар кўп.

Бироқ, ҳозир илм-фан ривожи ердан инсоният эҳтиёжини қондира оладиган даражада ҳосил олиш имкониятини яратди, табиий офатларга қарши кураш ҳамда ҳосилдорликни ошириш борасида катта ютуқларга эришилди. Аммо шундай замонда ҳам, таассуфки, кўп жойларда одамлар очарчиликка гирифтор бўлаётир. Қаҳатчилик қисман табиий офатлар натижаси бўлса, аксарият ҳолларда унинг сабаби урушлардир.

Яқинда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бу хусусда ташвишли маълумотларни эълон қилди. Унда айтилишича, биргина Африка қитъасида 10 миллиондан ортиқ аҳоли озиқ-овқат етишмаслиги сабабли доимий очарчиликни бошидан кечираётир. Мисол учун, Сомалининг ўзида бир миллиондан ортиқ аҳоли очлик балосига гирифтор бўлган. Уларнинг 400 минг нафари очликдан шу қадар тинкаси қуриганки, ҳатто бир бурда нонга ҳам зор.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Эфиопияда 5 миллион 385 минг киши кечиктириб бўлмайдиган озиқ-овқат ёрдамига муҳтож. Эфиопия—Эритрея уруши оқибатида ўз уйларини ташлаб чиққан бу қочқинлар қўшни давлатларда лагер шароитида яшашга маҳкум. Уларни фақатгина халқаро инсонпарварлик ёрдами омон сақлаб қолиши мумкин. Мазкур минтақанинг яна бир мамлакати Анголада ҳам узоқ йиллар мобайнида давом этаётган уруш аҳолининг қишлоқ хўжалигидаги ишлардан тортиб қўймоқда. Окибатда бу ерда ҳам минг-минглаб одамлар очликда кун кечираётир. Бундай ачинарли манзарани Судан, Уганда, Руанда, Кения, Танзания, Бурунди, Намибия, Зимбабве, Сьерра—Леонеда ҳам кузатиш мумкин.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти эълон қилган маърузада биргина Африка қитъаси мамлакатлари ҳақидаги маълумотлар берилган. Лекин, бу очарчилик фақат шу қитъа мамлакатларига хос, дегани эмас. Қуролли можаролар фақат Африкада бўлаётгани йўқ. Дунёнинг яна бир қанча минтақалари, хусусан, Болқон, Кавказ ва Лотин Америкасининг баъзи мамлакатлари, Афғонистон, Шри-Ланкада ҳам шундай муаммо долзарб бўлиб турибди. Очлар ва қочқинларнинг кўпайиши эса ўз ортидан бошқа қатор ижтимоий муаммоларни бошлаб келади. Яъни, қочқинлар фойдали иш билан шуғулланмайди, болалар мактабга бормайди, беморлар ўз вақтида тиббий ёрдам ололмайди ва ҳоказо. Бунинг оқибатларини санаш ёки изоҳлаш ортиқча. Зеро, халқда «Оч баччағардан қоч баччағар» ибораси бежиз айтилмаган. Лекин, таъкидлаш жоизки, урушлар давом этаверар экан, бу балодан қочиб қутулиш имконияти тобора камайиб бораверади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚАРОРИ ҚОРАЛАНДИ

Янги Зеландияда «Ансетт» авиакомпанияси учувчиларининг иш ташлаши сабабли юздан ортиқ авиайўналишда самолёт қатнови тўхтаб қолди. Маҳаллий радионинг маълум қилишича, авиакомпания раҳбариятининг учувчилар таркибини чорак қисмга қисқартириш ҳақидаги қарорига қарши норозилик эълон қилинган. Мамлакат учувчилар уюшмаси ҳам авиакомпания раҳбариятининг ушбу қарорини қоралади.

24 соат мобайнида ишга чиқмаган «Ансетт» ходимлари навбатдаги иш ташлашни 17 августга белгилади.

САНОҚЛИ ДАҚИҚАДА АНИҚЛАЙДИ

АҚШ Федерал Қидирув Бюроси бармоқ изларини аниқлайдиган янги электрон тизимни яратди. Ушбу тизим бармоқ изларини қайси одамга тегишли эканини саноқли дақиқаларда аниқлаб беради. Аввалари бармоқ изларини аниқлаш бир неча ойга чўзилиб кетар эди. Янги технология ёрдамида шубҳали шахснинг бармоқ изларини тўғридан-тўғри патрул машинасида олиниб, компьютер тармоқлари орқали бошқа миллионлаб бармоқ изларини билан солиштирилади. Янги тизимнинг баҳоси 640 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● Шри-Ланка оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, «Тамил Илама» «Озодлик йўлбарслари» жангариларидан бири ўз танасига бомба яшириб, хукуматга қарашли ҳарбий қисмга кирган ва ўзини портлатиб юборган. Бу ҳаракатлар хукумат қўшинларининг яқинда уюштирган муваффақиятли хужумига жавоб тарзида амалга оширилгани тахмин қилинмоқда.

● Индонезиянинг Амбон оролида мусулмонлар ва насронийлар ўртасида тўқнашув юз берди. Оқибатда 16 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одам оғир тан жароҳати олди. Хабарларга қараганда, шаҳар касалхонаси ярадорлар билан тўлиб кетган.

● Жорий йилда Японияда тарқалган грипп эпидемияси 1287 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маърузасида ана шундай рақам келтирилган. Бундай хунук рекорд кейинги чорак асрда кузатилмаган эди.

(ЎзА).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Шарқ тароналари.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Кино янгиликлари». II Ўзбекистон фильмлари миллий фестивали.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 — Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
11.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан «Еввойи Вилли».
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Қонли тош». Бадиий фильм.
15.30 Ватан тимсоллари.
15.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси аксмочилар жамоасининг концерти.
16.00 Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Ганди». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «Ўзбекистон фуқароси».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 1-қисм.
18.40 «Икки дил тароналари». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозонат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.40 «Маънавият» дастури.
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.45 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Кувноқ учрашув», мульттомоша).
18.40 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркуми: «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.40, 20.35, 23.25 Эълонлар.
19.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Муносабат».
21.55 «Душанбада кўришгунча».
22.00 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Ўзбекистон - Ватаним маним».
22.20 «О,ёшлигим».
22.40 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Премьерадан сўнг». Бухородаги ўзбек миллий фильмлари кинофестивали. 1-кўрсатув.
23.05 «Олам футболи».
23.30 Синема. «Инспектор Морз».
01.15 «Шарқ эстрадаси».
01.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультфўллам.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Мультчарҳпалак».
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.40 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.20 «Интернет ҳудуди».
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.40 «Ёш Екатерина» тарихий фильми. 1-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.35 Киносеанс. «Қирол Георгнинг телбалиги». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қалб ардоғида». Ғанижон Ташматов.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Оламга саёҳат».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.45 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
11.05 «Мактублар — кабутарлар».
11.35 «Бешбармоқ».Тележурнал.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан. «Африканинг парқулоқ лочини».
12.35 «Маънавият» дастури.
13.15 «Зарблар сехри». Мусиқий дастур.
13.40 «Фермер». Телетанлов.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 1-қисм.
14.40 «Шоҳрух» клуби.
15.10 «Оқибат».
15.30 Эстрада тароналари.
16.00 Ватан тимсоллари.
16.05 «Иф қалъасининг маҳбуси». Интиқом. Бадиий фильм. 3-серия.
17.40 «Бугуннинг аёли».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 2-қисм.
18.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Шарқдан нур». Аҳмад ал-Фарғоний.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Ўзбекистон бастакорлари». Б. Лутфуллаев.
22.00 «Қизлар давраси».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Наманган вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Амир Темур». Видеофильм. 1-қисм.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
18.55 «Истиқлолни куйлайман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Истиқлол қайтарган номлар: Амир Темур».
19.50, 20.45, 22.45 Эълонлар.
20.00 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Ўзбекистон — Ватаним маним».
21.35 «02» тўлқинида. «Осойишталик фидойилари».
21.50 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Истиқлол қўшиқлари».
22.00 «Парламент» Олий Мажлис XV-сессияси олдидан.
22.15 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Премьерадан сўнг». 2-кўрсатув.
22.40 «Ешлар» телеканалида.
22.50 Синема: «Эҳтирос ва жаннат». Мелодрама
01.30 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мультфўллам.
18.25 Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ешлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сўҳбатдош».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Мультчарҳпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Каламбур». Юмористик журнал.
17.40 «Мавзу».
18.20 «Бу ажиб дунё».
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.40 «Ёш Екатерина». 2-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8-йиллигига. «Келажак ҳақида ўйлар».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 18

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: Телевизион фильмлар кўриги. «Тўй либослари».
9.05 «Шарқ тароналари».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон — ҳаёт гултожи».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Кувноқлар даврасида».
11.10 «Шоирлар — болаларга».
11.40 «Илм ўзлиги билмақдир».
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан. «Мешкобқуш ва океан».
12.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.15 «Жаҳон спорти».
13.30 «Рақслар гулдастаси».
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 2-серия.
14.40 «Талаб ва таклиф».
15.00 «Мухлис ёхуд қўшик изидан...». Мусиқий дастур.
15.35 «Умид учқунлари». Тележурнал.
16.00 «Аёл портрети». Бадиий фильм.
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Юрт ўғлонлари».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 3-қисм.
18.40 «Қўзғу». Тележурнал.
18.50 «Ҳиммат».
19.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Таянч нуқтаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XV сессияси олдидан «Парламент соати».
21.35 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.20 «Тараққиёт йўли».

«Умид» намойиш этади:

22.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.40 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Амир Темур». Видеофильм. 2-қисм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Гиппопотам».
18.35 «Семург».
18.50 «Ешлар» телеканалида.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.40 Эълонлар.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 «Каталог».
20.55 «Ешлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Спектаклдан сўнг».
21.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Баҳс».
22.20 Тонишинг: «Тож» гуруҳи.
22.35 «Ешлар» телеканалида.
22.45 Синема. «Иккитаси кўплик қилади». Комедия.
00.35 «Хит-коллекция».
00.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультфўллам.
18.20 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.00 «Осойишталик фидойилари».
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Хусусийлаштириш : қадам-бақадам».
20.20 «Маънавият хазинаси». «Манзарали фильм».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тоғларнинг гули ўзгача», «Фасли ёз». Телефильмлар.
21.45 «Авиа олами».
22.15 Эстрада концерти.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Мультчарҳпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Яхшиларнинг сараси».
17.35 «Инсон ва қонун».
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.35 «Ёш Екатерина». 3-серия (Якунловчи серия)
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.30 Оскар мукофоти 1960 йил. М. Монро «Жазда фақат қизлар» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Армуғон». Мусиқий дастур.
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Санъат гунчалари».
11.10 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 3-қисм.
12.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.00 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусиқий дастур.
13.35 Ватан тимсоллари.
13.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Ортим жамоли».
14.10 «Тўпсиз футбол». Шоу дастури.
14.35 «Ўйноқ қунлар». Кинокўрсатув.
15.00 «Фан-тараққиёт негизи».
15.20 Ватан тимсоллари».
15.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
16.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Ватан туйғуси».
16.25 «Янги авлод».
16.45 Футбол бўйича Ўзбекистон ва Озорбайжон миллий терма жамоаларининг халқаро ўртоқлик учрашувидан репортаж.
17.30 «Қуйлардан қўшиқларга».
18.10 Болалар учун. «Дона боба даврасида».
18.25 «Сўнгги пушаймон».
18.40 1999 — аёллар йили. «Ажаб саодат эрур».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 23.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида.
22.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8-йиллигига. «Ўзбекистон-Ватаним маним». Мусиқий дастур.
23.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сомон йўли».
23.45 «Ахборот».
00.15 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
18.30 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Тито ва унинг ҳайвонот боғи».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Истиқлол — қайтарган номлар: Сорбадорлар».
19.50, 20.40, 23.20 Эълонлар.
19.55 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.45 «Давр»-интервью.
20.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ешлик формуласи». Ешлар ва экология.
21.45 «Энг улуғ, энг азиз» танловга Ўтган қунлар».
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.15 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Камолот».
22.30 «Мутойиба».
22.50 «Ешлар» телеканалида.
22.55 «Мусиқий глобус».
23.25 Синема. «Хиёнат устига хиёнат».
00.55 «Спорт қитъаси».
01.25 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультфўллам.
18.20 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.00 Тошкент ва тошкентликлар.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳанда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий дастур.
21.45 «Юксалиш».
22.15 «Ҳазрат Усмон Қуръони». Телефильм.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида)
15.40 «ТВ 4да Немис тўлқини».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 Мультчарҳпалак».
*
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Жейн хоним». Бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. Робин Уильямс «Флобер» фильмида.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 20

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги васфи». Мусиқий дастур.
9.15 «Устоз».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳригиё».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.05 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
11.30 «Сомон йўли».
12.05 Украина фильмлари ҳафталиги. «Олтин занжир». Бадиий фильм.
13.30 «Мусиқа билан сирлашиб».
14.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Мен туғилган тупроқ».
14.30 Шарқ тароналари.
14.50 «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи почтасидан».
15.35 «Зийнат».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қайнона». Бадиий фильм.
17.15 «Ха, ха, ха». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
17.40 «Қалқон».
18.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Шарқдан нур». Паҳлавон Маҳмуд.
19.05 «Ислоҳот ва маъсулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида.
22.35 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
23.10 «Оила». Тележурнал.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Осетия афсонаси». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Дунё ва болалар», мульттомоша)
18.35 «Қизим сенга айтаман...».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ». Олий Мажлис XV сессияда.
19.40, 20.35, 23.05 Эълонлар.
19.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Саломат бўлинг». 8-курсатув. «Ешлар ва тамаки».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркумида: «Аср қиёфаси».
21.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Талабалар шаҳарчаси».
22.10 «Наволарда аён этсам...». Мусиқий дастур.
22.20 «Жаҳолат бекати».
22.35 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Шухрона».
22.45 «Автосалтанат».
23.00 «Ешлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Спартак».
02.00 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мультфўллам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани.
11.10 «Ҳанда дўкони».
11.35 Кинонигоҳ.
13.10 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Н. Ахмедова.
13.35 «Спорт оламида».
13.50 Х. Қосимов, А. Слонин. «Наврўзбекистон саргузаштлари». А. Навоий номидаги опера ва балет театрининг спектакли.
14.40-14.55 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мультфўллам.
18.30 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзтелерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чуст жилолари». Телефильм.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «СНН-шоу».
15.55 Клип-антракт.
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Мультчарҳпалак». Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 «Уорлднет» янгиликлари.
17.55 «99 йил қўшиқлари». Россия жамоат телевидениеси.
18.15 Ҳужжатли детектив. Генерал Калугин иши. 1999 йил.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли т

ВИЛОЯТИМ

Серқуёш Ватаним оташ юраги,
Меҳрингда мужассам қуёш шуъласи.
Меҳнатдан ҳеч қачон толмас билаги,
Жаҳонда тинчликнинг мангу қалъаси.

Тупроғи гавҳар-у, сувлари шифо,
Бехиштдай муборак масканим, тахтим.
Таралгай қалбимдан мангу бир нидо,
Сен билан ҳамиша иқболим, бахтим.

Ўзбегим диёри, баходир халқим,
Саҳроларинг бўстон, тоғларингда ганж.
Жон фидо айламоқ фарзандлик ҳаққим,
Фақат сен кўрмагин асло дарду-ранж.

Жаннатдек яратмиш Оллоҳим сени,
Бағрингда баҳордек бўстонларинг мўл.
Қуёш ҳам соғиниб боқар ҳар куни,
Зиёга элтади бунда ҳар бир йўл.

Қадди баланд халқим тенгсиз даҳоси,
Улуғ бир давлатга қўяр пойдевор.
Бу қутлуғ куларнинг йўқдир баҳоси,
Гул каби яшнагай бу гўзал диёр.

Гулла, камол топгин она-вилоят,
Сенсан Ватанимнинг ишонч, тилаги.
Сенга йўлдош бўлсин иқбол, пок ният,
Шудир Рўзиматнинг мангу истаги.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Қибрай тумани.

МЕН МЕҲРМАН

Меҳрман, дўстларим кўзида,
Қалбидан нафратни аритган,
Нафратман душманим сўзида,
Шафқатим уларни қаритган.
Кўзларим қароғи ўт-оташ,
Чашмадир меҳримнинг булоғи.
Сен учун дўстгинам мен бардош
Тўксангда қалбимнинг яроғин.
Қалбимда ўсмоқда меҳрдан
Экилган ардоқли бир дарахт.
Алдовлар бойласа сеҳрдан,
Кўзларинг юммагин сен карахт.
Кўр, қалбим қаърида нелар бор,
Нелар у балқиган нурланиб.
Бошимда турса-да қилич-дор,
Ўтмадим ҳаётдан орланиб.
У шундай, у яккаш бир офтоб,
Бағримни нур билан тўлдирган.
У чўғнинг учқуни ўша тоб,
Ғанимни куйдириб ўлдирган.
Меҳрман, меҳрдан яралган,
Меҳрга ташнага сочилгум.
Меҳрман, меҳрдан таралган,
Меҳрлар ичинда очилгум.
Меҳрдан зийнатлар тақаман,
Меҳрсиз қурилган қасрга.
Меҳримдан машъала ёқаман,
Йигирма биринчи асрга!

Роҳила ҲОФИЗ қизи,
Оҳангарон шаҳри.

Истиқлол мушоираси

ҚАЛАМИМДА — ВАТАН ЮРАГИМДА —

Бугун юртимизда, жумладан, вилоятимизда бўлаётган буюк ўзгаришлар, озод Ватан фахри, ғурури ҳар бир юракка илҳом солиши табиий. Илҳом қўнган қалб эса қўлга қалам тутқазади. Вилоятимизда яшаб, қалам тебратаётган шеърият ошуфталари ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини қоғозга тушириб, таҳририятимизга йўлламоқдалар. Муаллифларнинг бири шифокор, бири журналист, бири қурувчи, бири муаллим. Лекин барчасининг дилида бир сўз: истиқлолни, Ватанни мадҳ этиш!

Бугун ана шундай шеърлардан кичик бир гулдаста тузиб, сиз муҳтарам муштарийларимизга тортиқ этмоқдамиз.

ОДАМ

Саҳро, карвон лўкиллаб борар,
Тўрт тарафга қарайди одам.
Қай манзилга йўл олар, агар
Саҳро бўлиб туюлса олам?

Тўрт тарафда турфа хил оҳанг,
Тўлиб борар навога фалак.
У оёқда турибди аранг,
Ўз йўлини тополмай халак.

Ҳеч ким унга боқмади зимдан,
Кетаберди карвонлар шошиб.
Борар йўлин билмади чиндан,
Саҳрода у қолди адашиб...

Ўз сўзидан қайтмади аммо,
Ўзгарларга тақлид қилмади.
Қалби унинг поёнсиз саҳро,
Бу саҳродан кета олмади.

Ғулга кирди у кутган дамлар,
Қалб даштида барқ урди кўклам.
Унинг томон келди одамлар,
Олам энди бундадир кўркам.

Карвонлар ҳам қайтди ортига,
Улар энди сенга ҳамқадам.
Ўз қалбининг соҳиби бўлиб.
Сен олурсан, мукаммал одам!

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
Бекобод.

ТОШКЕНТ ҚЎЙНИДА

Тошкент тун қўйнида,
Нурдан кийиб кўйлак,
Ҳарир рўмолини ўрар бошига
Томошага чиқишар қуйлаб
Тошкентликлар
Тошкент қошига!
Кўкка ўрлаб қандил фаввора,
Бош узра юлдуздай чақнар минг чироқ.
Одамлар меҳрини тўкар тобора,
Тошкент одамларга нур тўкар қучоқ...
Ҳар бино қошида туриб рўбарў
Кўчадан-кўчага ўтиб кўрайлик
Тошкент яшамоқда,
яшармоқда у,
Келин тушган уйдай тўкис, чиройлик!
Ана Амир Темур,
юганни тортиб,
От бошин тутади,
ота манзил шу.
Шаҳрим салобати у билан ортиб,
Ўз шаҳри эркини кўриб турар у.
Нарида Улуғбек,
кўк юлдузлари
Уни кўрмоқ учун чиққан сочилиб.
Унинг пойи узра нақ кундузлари
Чаманлар бўй тарар хандон очилиб.
Майдонда мустақил қалблар жўш уриб,
Анҳорда мавжини кўриб тўнярлар.
Ўттизинчи қават бошида туриб,
Қуёшга нигоҳни қадаб қўярлар.
Майдонлар, кўчалар ўзбек номида.
Ўзлигин топгандай равон тўшалди.
Эркинлик янграйди Тошкент комида,
Асрлар орзуси буткул ушалди!!!
Тошкент яшармоқда,
яшарар аниқ!
Халқлар — оғушида яшарлар кўркам.
Ҳаммага баробар шафқати ёниқ,
Аллоҳга юзини қаратган — ўлкам!

САЙЁР,
Тошкент.

ДИЛ ТЎРИДА

Ватан, сенсан ғурурим, фахрим,
Дил тўрида яшарсан ҳар он.
Орзуларим, шодлигим, бахтим,
Сен туфайли бўлур намоён.

Киндик қоним тўкилган диёр,
Менинг учун Ватан аталур.
Ватан ишқи ҳар бир қалбда бор,
У ҳамиша таратгайдир нур.

Ўзбекистон — менинг Ватаним,
Мадҳинг сира тушмагай тилдан.
Сенга фидо бўлсин жон-таним,
Куйлагайман қувониб дилдан.

Бўлса ҳамки қисқа, ягона,
Ҳаётимни сенга бағишлай.
Сенсан — азиз меҳрибон Она,
Тупроқларинг кўзимга суртай.

Темур ТУРСУН.



НИДО

Қутлуғ хонадондан қаҳқаҳа чиқсин,
Тобут чиқса ёмон, дод чиқса ёмон,
Бу қандай кўргулик, қандай разолат,
Яна уй бузилди, яна оқди қон...
Ғурчда курмак бор — одам ёмони
Улар халқ бахтини кўра олмайди.
Ким нимани экса шуни ўрармиш,
Юрт қарғиши билинг, урмай қолмайди,
Дарё бузилмайди ит ичган билан,
Халқим зилол сувсан, ўзингсан қоя.
Ҳеч ким сени ортга оқиза олмас,
Бу қора булутлар бўлолмас соя.
Элимнинг уйини куйдираман деб,
Лак-лак душман келган турли томондан.
Тарих гувоҳ, бари бир-бир тепки еб.
Хоклари хор ётар, айри савобдан.
Азизлар, мол-дунё, ҳаёт ўткинчи,
Ватан абадийдир, абадий миллат.
Ҳатто жондан кечиб, ўзликдан кечиб,
Шу улуғ Ватанни асрамоқлик шарт.

Аҳмаджон ТОШМАТОВ,
Паркент тумани.

«Алпомиш» достони юбилейи олдидан

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарори халқ оғзаки ижодини ўрганиш, унинг намуналарини нашр этишда катта имконият яратди. Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ушбу тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Барча вилоятларда, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва маданият масканларида юбилей олди тадбирлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳам ушбу санага бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шу йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган халқаро конференция уларнинг энг нуфузлиси бўлади. Анжуманда Япония, Германия, Туркия, Эрон, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби мамлакатлардан адабиётшунос олимлар, мутахассислар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Қутлуғ санага бағишлаб китоблар нашр этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Адабиётшунос олимларимиз юз жилдлик «Ўзбек фольклори ёдгорликлари»ни яратиш борасида иш олиб бормоқда. «Алпомиш»нинг давоми «Ёдгор» достони нашрга тайёрланиб, «Ёзувчи» нашриётига топширилди. «Чўлпон» нашриёти эса рус тилида «Эпос об Алпамыше» номли китобни чиқаришни режалаштирмоқда.

Элмурод ЮНУСОВ.
(ЎзА).

Хотира

ПАТЕФОНЛИ ЙИГИТ

Эллигинчи йиллар эди. Биз Тентаксойдаги ертўламизда яшардик. Обид акам бир куни паст бўйли, қорачадан келган, истараси иссиқ йигитни бошлаб келдилар. Қўлида жомадонга ўхшаш бир нарса. Бу патефон экан. Кўринишдан анча эзилган, аҳволи оғир, оёғида этиги, тринка костюмлари, бошидаги дўпписи ниҳоятда эскириб кетганди. Лекин, соқоллари қиртишлаб, топ-тоза олинганди. У акам ёнида ўйчан, сигарет чекиб, жимгина ўтирарди. Ойим тандирдан янгигина узган нонларни дастурхонга қўйдилар. Иссиқ нон ҳиди атрофга таралди. Дадам номозишомни ўқиб бўлиб, танчага ўтирдилар. Ертўла зах эмасми, бунинг давоси танча эди. Ғўзапоянинг ланғиллаган чўғлари солинганди. Изғиринда ҳаммамизга иссиқ ёқарди. Ойим жувоз ёғидан ош дамлаб қўйганларини айтдилар. Дадам: «Ҳозир паловингдам ҳам, оловинг тузукка ўхшаб қолди. Моҳинабону!», — дедилар ҳазиллашиб.

Иссиққина тандир нони билан чой ичиб, бироз гурунглашиб ўтирдик. Ош сузилди. «Олинг-олинг» қилиб едик.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Обид акамнинг гаплари билан меҳмон йигит танчамиз устига патефонини қўйиб, қопқоғини очди. Қулоғини бураб-бураб, бир тахлам пластинкалардан бирини қўйди.

Кўзинг кўр, шафқатинг йўқ, зўр экансан эй улуғ Норин,

Қулоғинг кар, дилинг тошқин, эшитмас ҳеч ким сенинг зоринг.

Бу катта ашулани Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султоновлар биргаликда айтишарди. Кетидан «Боғ аро қўйсам қадам», «Бир келиб кетсин», «Йиғлади» ва бошқа ашулалар янгради. Дадам ҳаммамиз ҳофизларнинг овозига маҳлиё эдик.

Менинг нигоҳим патефони борлиги жуда яхши бўлди-да. Қўшиқ, куйлар эшитганимиз-эшитган. Темирбой ака ўз оила аъзомиздек бўлиб қолганди. Босиқ, ўйчан, ҳазилкаш инсон экан. Қаёқлардандир янги пластинкалар, патефон игналарини топиб келарди. Нима ишимиз тушса билмайман демасди. Рўзғор буюмларини тузатиш, сават тўқишгача биларди. Тўғри сўз, поклигини қиёсласак, ойламизга мос экан. Дадам ва ойимга Темирбой аканинг, айниқса, гўзал фазилати, одоби ёқарди.

Темирбой акага жуда ўрганиб қолдик. Далада ишласа нонушта, тушлик етказиб турардик. У ҳам шу оилани аъзосиман деб, ҳурмат қилиб, дадамизни «дада», ойимизни «ая» дерди. Дадамиз ва ойимиз ҳам Темирбой акани болалари қатори кўришарди.

Темирбой акани уйлантириб ҳам қўйдик. Фарзандли фонни олиб келгандан бошлаб, тинчи бузилибди. Тентаксойдаги қозоқлар яшайдиган овулга борганимда учратиб қолиб, аҳволини эшитиб, эргаштириб келдим, — дедилар Обид акам.

— Ие, шунақами? Овулда бирор инсофли одам топилмадими? — дедилар дадам.

— Қарвой, Насивали, Алтай амакилар маслаҳатлашиб, уйларига олиб кетишмоқчи эди-ю, бизникига юрақол, дедим.

— Яхши иш қилибсан, ўғлим, — дедилар дадам ҳурсанд бўлиб.

Темирбой ака бизникида яшаб қолди. Қиш бошланди. Баҳоргача дам, далада иш йўқ. Уйимиздаям зерикиш йўқ. Темирбой аканинг патефони борлиги жуда яхши бўлди-да. Қўшиқ, куйлар эшитганимиз-эшитган. Темирбой ака ўз оила аъзомиздек бўлиб қолганди. Босиқ, ўйчан, ҳазилкаш инсон экан. Қаёқлардандир янги пластинкалар, патефон игналарини топиб келарди. Нима ишимиз тушса билмайман демасди. Рўзғор буюмларини тузатиш, сават тўқишгача биларди. Тўғри сўз, поклигини қиёсласак, ойламизга мос экан. Дадам ва ойимга Темирбой аканинг, айниқса, гўзал фазилати, одоби ёқарди.

Темирбой акага жуда ўрганиб қолдик. Далада ишласа нонушта, тушлик етказиб турардик. У ҳам шу оилани аъзосиман деб, ҳурмат қилиб, дадамизни «дада», ойимизни «ая» дерди. Дадамиз ва ойимиз ҳам Темирбой акани болалари қатори кўришарди.

Темирбой акани уйлантириб ҳам қўйдик. Фарзандли — ўғилли бўлишди-ю, негадир тобора ҳурсанд бўлиш ўрнига, унда маъюслик сезилаверарди. Бу соғинч аломатлари экан. Бир куни оғир ҳўрсиниб, дардини айтиб қолди: «Туркистонда ота-онамнинг қабрлари қолган. Мендан бошқа фарзанд кўришмаган. Отимни шунинг учун Темирбой қўйишганди. Рухсатинглар билан ота-онам қабрларини зиёрат қилиб, ўша жойда чироқларини ёқиб ўтирсак...»

— Менга қолса, ҳечёққа юборгим келмайди сени. Наилож, мақсадинг олий экан, ихтиёр ўзингда, — дедилар дадам.

Темирбой аканинг бағримиздан ажралишини истамасдик. Дадам ва ойим қиш яқинлашиб қолаётгани учун «ёш боласи билан қийналиб қолишмасмикин?», — деб маслаҳатлашишарди. Охир дадам: «Қирқига чидадинг, қирқ биригаям чидайсан энди. Баҳоргача сабр қил», — дедилар.

Темирбой ака қиш кунларининг бирида Туркистонга жўнади. Бир ҳафтадан сўнг, қайтди. Ҳозирча сўраб-суриштирса бирорта уруғи топилмабди. Кўчиб келса, яссиликлар бошпана берадиган бўлишибди.

Наврўз бошлангандан уйимизга юк машинаси келиб тўхтади.

Фотиҳа берилгач, машинага юклар ортилди. «Камбағал бўлсанг кўчиб кўр» деганларидек, биргина патефон билан келган йигит уйимизда атиги уч йил яшаб, оила қуриб, ўзидан кўпайиб, уч жон бўлишибди. Бир ёшдан ошиб, юриб кетган ўғилчаси Жамолиддин, умр йўлдоши Гулжаҳон опа, дадам ва ойимлар атрофидан нари кетишолмасди.

Ойим шу куни тинмадилар. Нон ёпиб, ош дамладилар. Гулжаҳон опа ҳам қарашиб турар, Жамолиддин эса ойим ёпиб берган кулча нонни қўлидан қўймасди. Уни галма-галдан қучоқлаб, кўзларимиздан ёш чиқиб кетарди. Гулжаҳон опа ҳам тез-тез йиғлаб оларди. Одатимизга кўра ис чиқарилди. Тентаксойликлар худойидан сўнг, Қуръон тиловат қилишди, Темирбой акага, унинг оиласига оқ йўл тилашди.

Ойим: «Неварамизга бериб юрарсизлар, ўзларингга гўшти бўлади» деб худойидан қолган гўшт-ёғларини рўмолга тугиб бериб юбордилар. Машинага чиқишдан олдин дадам: «Темирбой ўғлим, патефонингда Маъмуржоннинг «Боғаро»сини бир эшитиб қолай», — дедилар. Катта ашула олдингисидан ҳам баландроқ эшитилгандай бўлди. Дадам, «Барака топ!», деб юзларига фотиҳа тортдилар. Машинанинг орқасидан биз болалар анча жойгача югуриб бордик...

Бугун тоқи-равоқда кўк чойни майдалаб ўтириб, ойнаи жаҳонда Маъмуржон Узоқов ҳақидаги хотира эшиттиришини кўриб, ўша олис воқеалар ёдимга тушди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

МЕЪЁРИ БЕЛГИЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларни сақлаб қолиш муҳим вазифадир. Шу мақсадда кўп иш қилинмоқда. Жумладан, уларни овлаш миқёслари ҳар йили чегараланяпти. Лекин, ов ишқибозларининг истаклари ҳисобга олиниб, унинг муайян вақти ва миқдори ҳам белгиланмоқда.

Бу йил нимани ва қанча овлаш мумкин? Бу кўпчиликни қизиқтиради. Биз Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тезкор гуруҳи раҳбари Саидаҳмад ХЎЖАЕВдан унинг тартиб-қоидалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Аввало, шуни очиқ айтиш керакки, — деди С. Хўжаев, — мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимиз табиатига шу вақтгача ўрни тўлдириб бўлмас даражада катта зарар етказилди. Мустақилликка эришилганидан кейин уни муҳофаза қилишга эътибор кучайди. Шу мақсадда қатор қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Лекин, уларга доим ҳам амал қилинмаяпти. Атроф-муҳитга зарар етказиш каби ҳолатлар ҳамон давом этяпти. Дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиш, рухсатсиз ёввойи ҳайвонларни овлаш ҳали ҳам кўп учраб турибди. Вақоланки, дарахтни кесиш билан курраи заминимизнинг ўпкасини яралаяпмиз. Айниқса, увилдириқ ташлаётган вақтда балиқларни ов қилиб, унинг заҳираларини камайтиряпмиз, жониворларни ўлдириб, табиатни биологик мувозанатига путур етказяпмиз, сувни ифлослантириб ўзимизни-ўзимиз заҳарлаяпмиз.

Ҳа, табиат — бу умумий ошёнимиз, унга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш билан бутун гўзаллигини ва ноёблигини сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атроф-муҳитни асраб-

Ов ишқибозлари диққатига

авайлашга кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Унинг қошида тузилган ўсимликлар ва ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш махсус тезкор гуруҳ табиатга путур етказаётган зараркунандаларга қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Бунда мутасадди идоралар вакиллари билан бирга бевосита жойларнинг ўзида текширишлар ўтказиш ўсулидан кенг фойдаланиляпти.

Жорий йил бошидан бери йигирматадан ортиқ шундай текширишлар уюштирилди. Натижада 60та қоида бузиш ҳоллари аниқланди. Балиқларни таъқиқланган ов қуроллари билан тутиш, дарахтларни кесиш, доривор ўсимликларни йиғиш билан шуғулланаётган кимсалар фош этилди. Шу даврда табиий бойликларга кўз олайтирувчиларга деярли 120 минг сўм жарима солинди. Етказилган зарарни қоплаш учун 440 минг сўмлик товон пули ундирилди. 7та иш тергов органларига ҳавола этилди.

Шунинг учун ҳам республикамизда бу йил ёввойи жониворлар ва паррандаларнинг муайян турларини овлаш ва тутишга квота-меъёр белгиланди. Бу йил вилоятимизда ҳаммаси бўлиб 10та тоғ эчкиси, 20та қобон, 8та буғи, 60та тулки, 70та бўрсуқ, 60та жайра, 20та қуён овлашга рухсат берилган. Паррандалар бўйича йил охиригача 400та тустовуқ, 1400та каклик, 20 мингта кабутарлар, 3000та сузувчи қушларни ов қилиш мумкин.

Ёввойи жониворлар ва паррандаларни овлашга рухсатнома олиш учун эса бизнинг нозирлигимизга мурожаат қилиш керак. Тартибга амал қилиш ҳар бир ов ишқибозининг бурчидир. Уни назар-писанд қилмасликка асло йўл қўйманг. Агар бу соҳада ўзбошимчалик қилсангиз бебаҳо табиатимизга ҳам, ўз ҳаётингизга ҳам зарар келтиришингизни унутманг.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ суҳбатлашди.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 15-18 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Шу вақтнинг бошларида ҳарорат кечалари 15-20, кундуз кунлари 30-35 даража иссиқ бўлади. Кейинроқ ҳаво ҳарорати кечалари 20-25, кундуз кунлари 35-40 даража кўтарилади.

Тошкент шаҳар Педогогика билим юрти томонидан 1987 йилда Қўлдошева Фотима Ўктамовна номига берилган КТ № 831250 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, педогогик ходимлар малакасини ошириш институти маъмурияти ва жамоаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, педогогик ходимлар малакасини ошириш институтининг проректори В. Бобожоновага падари бузруквори

Эргаш ота МУХАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0627. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6